

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.05.2020.I.66.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

БЕКМИРЗАЕВ МИРЗОХИД АДАШАЛИЕВИЧ

**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ
(фермер хўжаликлари мисолида)**

**08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти
08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD) in
Economics Sciences**

Бекмирзаев Мирзохид Адашалиевич

Тадбиркорлик субъектларини барқарор иқтисодий ривожлантириш
истикболлари 3

Бекмирзаев Мирзохид Адашалиевич

Перспективы устойчивого экономического развития субъектов
предпринимательства..... 29

Bekmirzayev Mirzoxid Adashaliyevich

Prospects for sustainable economic development of business entities 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 60

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.05.2020.I.66.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

БЕКМИРЗАЕВ МИРЗОХИД АДАШАЛИЕВИЧ

**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ
(фермер хўжаликлари мисолида)**

**08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти
08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Iqt888 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namnti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Эгамбердиев Фармонкул Турсунқулович иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Султонов Баходир Файзуллаевич иктисодиёт фанлари доктори, катта илмий ходим Умаров Илхомжон Юлдашевич иктисодиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Андижон машинасозлик институти

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.05.2020.1.66.03 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил « 12 » 07 соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (0569) 228-76-71, факс: (0569) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (403 -рақамли билан рўйхатга олинган). Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (0569) 228-76-71, e-mail: niei_info@edu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил « 3 » 07 кунни тарқатилди.
(2021 йил « 3 » 07 даги 1 рақамли реестр баённомаси).



Ш.Д.Сандбоев,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, и.ф.д.

Р.Б.Исмоилов,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, и.ф.н.

Р.И.Исраилов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, и.ф.н., доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат саноати учун хом-ашё ишлаб чиқаришга ихтисослашган бир-бири билан боғлиқ соҳа ва тармоқларнинг мажмуи бўлиб, бугунги кунда жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Аграр тармоқда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш ишлари йилдан йилга жадаллашиб, чекланган ер ва сув ресурсларидан, капитал ҳамда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалиб бормоқда. “Жаҳон аҳолиси 1800 йилдаги 1 миллиарддан 2018 йилда 7,616 миллиардга етганлиги ва 2030 йилда 8,6 миллиардга, 2050 йилда 9,8 миллиардга ва 2100 йилда 11,2 миллиардга етиши”¹ни назарда тутадиган бўлсак, келгусида қишлоқ хўжалигини барқарор ўсишини таъминлаш, унинг самарадорлигини ошириш, аҳоли эҳтиёжини хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, бунда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини янада юксалтиришда етакчи ўринни эгаллаган фермер хўжаликлари фаолиятини барқарор иқтисодий ривожлантиришни тақозо этади.

Жаҳон амалиётида бугунги кунда олиб борилаётган илмий тадқиқотларда ривожланаётган мамлакатларда тадбиркорлик субъектларини барқарор иқтисодий ривожлантиришга оид назарий-методологик муаммоларни ўрганиш ва янгича ёндашувларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лекин илмий-тадқиқотларда фермер хўжаликларини барқарор ривожланишига инновацияларни кенг жалб этиш, тадбиркорлик субъектларини молиявий рағбатлантириш ва тартибга солиш механизмини такомиллаштириш, фермер хўжаликлари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш, соҳага инвестицияларни кенг жалб этиш ҳамда молия-кредит ва солиқлар бўйича имтиёзлар бериш асосида тадбиркорлик субъектларини барқарор иқтисодий ривожлантириш масалалари етарлича очиб берилмаган.

Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш мақсадида соҳага фермер хўжаликларини кўпроқ жалб этиш ҳамда хусусий сектор иштирокини аҳамиятли даражада кенгайтиришга эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари таркибида «...қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш энг муҳим вазифа»² сифатида белгилаб берилган. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини барқарор ривожлантириш учун бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда ҳамда тегишли ўзгартиришлар амалга оширилмоқда. Бироқ, тадбиркорлик субъектларини барқарор ривожлантириш истиқболларини амал қилиши талаб даражасида бўлмай, бунинг асосий сабаби сифатида фермер хўжаликларини барқарор ривожлантиришга салбий таъсир этаётган омиллар ва мавжуд муаммолар

¹ Департамент ООН по экономическим и социальным вопросам. <https://www.un.org/development/desa/en/news/populat>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. – <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.

ҳамда имкониятлар сезиларли даражада ўрганилмаганлиги, таъсир этувчи омилларнинг эконометрик баҳолаш натижаларининг ишончлилик даражаси етарли эмаслигини кўрсатиш мумкин. Бу эса хусусий сектор вакиллари фаолияти самарадорлигини оширишга асосланган баҳолаш услуги ва кўрсаткичлар тизимини ўз ичига олувчи йўриқнома яратишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сон “Иқтисодий янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сон “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фермер хўжалиқларининг шаклланиши, объектив зарурлиги, омиллари, босқичлари ва мунтазам узлуксиз ривожлантириш ғоялари, назарий ва услубий асослари хорижлик олимлардан E.Kasl, M.Beker, J.Pretty, P.C.Kesavan, M.S.Swaminathan, R.Costanza, C.B.Flora, R.A.Cramb, C.Leeuwis³ ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

МДХ давлатлари олимларидан: “барқарор ривожланиш” концепцияси бўйича атроф-муҳит ва ижтимоий-иқтисодий ёндашувлар бўйича А.Г.Грязновой, Н.Н.Думной, Н.П.Макаров, А.А.Никитина, С.Г.Ханмагомедов, А.А.Анфиногенова, Н.А.Яковенко, И.Г.Ушачев,

³ Эффективное фермерское хозяйство / Э. Касл, М. Бекер; Пер. с англ. и предисловие А.А. Белозерцева. – М.: Агропромиздат, 1991. – 496 с.; Pretty, J. (November 23, 2018). Intensification for redesigned and sustainable agriculture systems; <http://science.sciencemag.org/content/362/6417/eaav0294/tab-pdf>; Kesavan, P. C., & Swaminathan, M. S. (2007). Strategies and models for agricultural sustainability in developing Asian countries. *Philosophical transactions of the Royal Society of London. Series B, Biological sciences*, 363(1492), 877–891. doi:10.1098/rstb.2007.2189; Costanza, R. et al. 1997 The value of the world’s ecosystem services and natural capital. *Nature* 387, 253–260. (doi:10. 1038/387253a0); Flora, C. B. & Flora, J. L. 1996 Creating social capital. In *Rooted in the land: essays on community and place* (eds W. Vitek & W. Jackson), pp. 217–225; Cramb, R. A. & Culasero, Z. 2003 Landcare and livelihoods: the promotion and adoption of conservation farming systems in The Philippine uplands. *Int. J. Agric. Sustainability* 1, 141–154; Leeuwis, C. 2004 Communication for rural innovation. Oxford, UK: BlackwellPublishing.;

А.Г.Папцов, Н.К.Долгушкин, А.Ф.Серков, В.В.Маслова, В.С.Чекалин⁴ ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Маҳаллий олимларимиздан Ўзбекистон шароитида агробизнес тармоқларини ислоҳ қилиш ва фермер хўжаликларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг илмий-амалий масалалари бўйича А.М.Жўраев, Ч.Муродов, Т.Ш.Шодиев, Ў.А.Сайдахмедов, У.А.Назарова, Т.Х.Фармонов, У.В.Ғафуров, А.А.Раджапов, Ф.Т.Эгамбердиев, Ў.П.Умурзоқов⁵ ва бошқалар чуқур илмий изланишлар олиб борганлар.

Лекин, келтириб ўтилган илмий тадқиқотларда глобаллашув шароитида юз бераётган жараёнларни ҳисобга олган ҳолда агробизнес субъектларини барқарор ривожлантириш омиллари бугунги кун талаби нуқтаи назаридан етарлича тадқиқ этилмаган. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, фермер хўжаликларини барқарор иқтисодий ривожлантириш омиллари бўйича илмий асосланган ҳамда амалий аҳамиятга молик тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги ушбу мавзунини танлашга ишончли асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Наманган муҳандислик-технология институтининг ИТМ-б “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”га мос илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик субъектларини барқарор иқтисодий ривожлантириш бўйича назарий-услубий ва амалий аҳамиятга эга тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

“барқарор ривожланиш” тушунчаси, унинг зарурияти ва аграр соҳага хос хусусиятларини илмий жиҳатдан асослаш;

фермер хўжаликларини барқарор иқтисодий ривожлантиришга таъсир этувчи экзоген ва эндоген омилларни аниқлаш;

⁴ В поисках новой теории: Книга для чтения по экономической теории с проблемными ситуациями: Учебное пособие / Под ред. А.Г.Грязновой и Н.Н.Думной. – М.: КНОРУС, 2004, с.230; Макаров Н.П. Крестьянское хозяйство и его эволюция / Н.П. Макаров. – М., 173 1920.- 392 с.; Анализ эффективности функционирования крестьянских (фермерских) хозяйств с учетом региональных особенностей Республики Башкортостан: монография / А.А. Никитина; Оренбургский гос. ун-т. – Оренбург: ОГУ, 2017. – 190 с.; Ханмагомедов С.Г. Положение в сельском хозяйстве и направления устойчивого развития сельских территорий региона // Многофункциональность сельского хозяйства и устойчивое развитие сельских территорий. М.: Энциклопедия русских деревень, 2007. С. 128–130; Анфиногентова А.А., Яковенко Н.А. Устойчивое развитие сельских регионов России на инновационной основе // Региональные агросистемы: экономика и социология. 2006. URL: <http://www.iagpran.ru/journal.php?tid=124>; И.Г. Ушачев, А.Г. Папцов, Н.К. Долгушкин, А.Ф. Серков, В.В. Маслова, В.С. Чекалин. Стратегические направления развития сельского хозяйства России в условиях углубления интеграции в ЕАЭС. – М.: РАН. – 2017. 48 с.

⁵ Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): дис.док.экон.наук.-Т.:ТГЭУ, 1988. -380с; Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истикболлари. – Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 144-б.; Ғафуров У.В. Дехқон (фермер) хўжаликларининг иқтисодий табиати ва ривожланиш хусусиятлари. Иқт. фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. – Т., 1995, 41-б.; Раджапов А.А. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фермер хўжаликларининг фаолиятининг самарадорлиги (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида). И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс., Т., 2000, 75-б.; Сайдахмедов Ў.А., Назарова У.А. Республика аграр ишлаб чиқариш соҳасини бошқаришнинг иқтисодий механизмлари асослари. Монография.-Т.: “Молия-Иқтисод”. 2014. Ў.П.Умурзоқов ва бошқалар. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қўлланма-Т.: “Иқтисод-молия” 2007 й.

фермер хўжаликларини барқарор иқтисодий ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатлар ва бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш асосида уларни Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятларини ёритиб бериш;

фермер хўжаликлари иқтисодий ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ва экологик мувозанатга таъсирини таҳлил қилиш асосида барқарор ривожлантириш омилларининг таъсирини аниқлаш;

турли кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликларининг барқарор ривожланиш омилларини қиёсий баҳолаш;

ер майдонлари оптималлашган фермер хўжаликларида барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш ва илмий жиҳатдан асослаш;

фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишини таъминлашда бошқариш стратегиясини шакллантириш заруриятини асослаш ва босқичларини ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш;

фермер хўжаликларини барқарор иқтисодий ривожлантиришни таъминлашга доир илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари танлаб олинган.

Тадқиқот предмети. Фермер хўжаликларини барқарор иқтисодий ривожлантириш истиқболлари билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, абстракт-манتيкий фикрлаш, таҳлил ва синтез, гуруҳлаш, таққослаш, статистик таҳлил, омилли таҳлил, эксперт-баҳолаш, танланма кузатув, кўп омилли эконометрик таҳлил, прогнозлаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фермер хўжаликларининг иқтисодий барқарорлигини ресурслардан фойдаланиш даражаси, ишлаб чиқариш натижалари ҳамда молиявий натижалар кўрсаткичларини устувор даражада эътиборга олган ҳолда таснифлаш орқали баҳолаш тизими такомиллаштирилган;

фермер хўжаликларида ялпи кишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини тармоқда бандлик ва асосий капиталга киритилган инвестициялар салмоғини кўп мезонли таҳлил қилиш орқали қўшимча ошириш имкониятлари асосланган;

ҳосилдорлик, сотишга тайёрлаш ҳамда етказиб бериш босқичлари асосида фермер хўжаликларининг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш бўйича такомиллаштирилган уч босқичли тизимли ёндашуви таклиф этилган;

Наманган вилояти фермер хўжаликларини 2025 йилга қадар барқарор ривожлантиришни таъминлаш бўйича бандлик ва асосий капиталга киритилган инвестициялар салмоғи ҳамда шўрланган ер майдони, унумдорлик ва сув сарфининг таъсири кўрсаткичларининг турли сценарийларга асосланган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фермер хўжалиklarининг иқтисодий барқарорлигини баҳолаш кўрсаткичлари таснифланган ҳолда, улардан фойдаланиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

фермер хўжалиklarини барқарор иқтисодий ривожланишига бир нечта омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда, улар ўртасидаги корреляцион-регрессион боғлиқликнинг эконометрик модели ишлаб чиқилган;

фермер хўжалиklarининг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш бўйича такомиллаштирилган уч босқичли тизимли ёндашув таклиф қилинган;

Наманган вилоятида фермер хўжалиklarини барқарор ривожлантиришнинг иқтисодий ислохотларни амалга оширилишидан кутилаётган натижаларини 2021-2025 йиллар учун кўп омилли ва сценарийли прогнози натижалари кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишига доир хорижий ҳамда маҳаллий олимлар олиб борган илмий-назарий, методологик тадқиқотларга асосланганлиги билан изоҳланади. Фойдаланилган ахборот базаси расмий манбалардан олинганлиги билан, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ҳудудларда фермер хўжалиklари фаолиятини ривожлантириш бўйича қабул қилинган устувор йўналиш ва дастурларга мувофиқлиги ҳамда тегишли хулосаларни мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф, тавсия ва хулосалардан истиқболда кичик бизнес субъектларини, хусусан фермер хўжалиklари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда уларни барқарор иқтисодий ривожлантириш, улар томонидан етиштирилган маҳсулотларни маҳаллий ва халқаро бозорлардаги рақобатбардошлигини оширишга қаратилган назарий-методологик ва махсус илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса диссертация ишининг асосий ғоя ва материалларидан фермер хўжалиklarини барқарор иқтисодий ривожлантиришга доир дастурий ҳужжатлар, комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда ҳамда олий таълим муассасаларининг “Иқтисодиёт” (тармоқлар ва соҳалар бўйича), “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш (тармоқлар бўйича)”, “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси” (маҳсулот турлари бўйича) ҳамда “Қишлоқ хўжалигида менежмент” таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабаларга иқтисодий фанларни ўқитишда қўлланма сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадбиркорлик субъектларини барқарор иқтисодий ривожлантириш бўйича олинган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

фермер хўжалиklarининг иқтисодий барқарорлигини ресурслардан фойдаланиш даражаси, ишлаб чиқариш натижалари ҳамда молиявий натижалар кўрсаткичларини устувор даражада эътиборга олган ҳолда таснифлаш орқали баҳолаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Наманган вилояти Учкўрғон туманидаги “Гулхумор”, “Шухрат Гулхумор”, “Ғофуржон

Гулхумор”, “Наргиза Гулхумор” ва “Осмонжон Гулхумор” фермер хўжаликлари фаолиятини таҳлил қилишда ва ривожлантириш йўл хариталарини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 8 октябрдаги 02/024-3233-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалга оширилиши фермер хўжалиklarининг ихтиёридаги иқтисодий ресурслардан эркин фойдаланиши, ишлаб чиқариш омилларини қайта тақсимлаш функциясининг самарали бажарилишига имконият яратган. Бунинг натижасида мазкур фермер хўжалиklarида ресурслар 12 % тежалган, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи 17,3 % га ошган.

фермер хўжалиklarида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини тармоқда бандлик ва асосий капиталга киритилган инвестициялар салмоғини кўп мезонли таҳлил қилиш орқали қўшимча ошириш имкониятлари бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан фермер хўжалиklarи фаолиятини стратегик режалаштиришда фойдаланилган (2020 йил 6 октябрдаги 03/14-1-10/10-405-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан амалиётда фойдаланилиши фермер хўжалиklarини барқарор ривожланишини таъминлаб, Наманган вилояти қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришдаги улушини 12,1 фоиз ошириш имконини берган.

ҳосилдорлик, сотишга тайёрлаш ҳамда етказиб бериш босқичлари асосида фермер хўжалиklarининг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш бўйича такомиллаштирилган уч босқичли тизимли ёндашуви бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг таркибидаги тармоқлар амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 8 октябрдаги 02/024-3233-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқот олиб борилган Наманган вилоятида фермер хўжалиklarини самарали бошқариш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнида ер, сув ва бошқа ресурслардан тежамкорлик билан оқилона фойдаланган ҳолда сифатли, рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини оширишга замин яратилган.

Наманган вилояти фермер хўжалиklarини 2025 йилга қадар барқарор ривожлантиришни таъминлаш бўйича бандлик ва асосий капиталга киритилган инвестициялар салмоғи ҳамда шўрланган ер майдони, унумдорлик ва сув сарфининг таъсири кўрсаткичларининг турли сценарийларга асосланган прогноз параметрлари бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Наманган вилояти фермер хўжалиklarини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 8 октябрдаги 02/024-3233-сон маълумотномаси). Мазкур прогноз натижаларидан Наманган вилояти қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган илмий журналларда: 4 та нуфузли хорижий илмий мақола, маҳаллий журналларда 11 та илмий мақола, халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида 21 та маъруза тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 152 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предмети аниқланган, республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Тадбиркорлик субъектларини барқарор иқтисодий ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришнинг назарий асослари ва барқарор иқтисодий ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, фермер хўжалиқларини барқарор ривожланишини баҳолаш услубиёти ва кўрсаткичлар тизими ҳамда фермер хўжалиқларини барқарор ривожлантиришнинг хориж тажрибасини Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари баён этилган.

Тадбиркорлик фаолиятининг қишлоқ хўжалигидаги шакли агробизнес кўринишида намоён бўлади. Агробизнес бозор иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва унинг маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сотиш, сақлаш, тақсимлаш билан боғлиқ тармоғидир.

Аграр сиёсат – бу нафақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, балки агробизнес соҳасидаги барча тадбиркорлик фаолиятларини жадал ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир. Йирик агросаноат мажмуалари ва қишлоқ хўжалиқ корхоналарининг моддий-техник таъминотини яхшилаш, қишлоқни ижтимоий ривожлантириш, инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш, қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини юксалтириш аграр сиёсатнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Агробизнес назариясининг асосчилари Жон Девис ва Рей Голдбергларнинг фикрича, агробизнес бу – даромадни максималлаштириш мақсадида қишлоқ хўжалигини ресурслар билан таъминлаш, фермаларда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш ва ундан олинган истеъмол молларини сотиш ва сақлаш жараёнлари мажмуасидир⁶.

Агробизнес деганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишга йўналтирилган агросаноат мажмуалари тизимидаги иқтисодий

⁶ Жон Девис ва Рей Голдберг. Концепция агробизнеса. – М.: 1958 год.

тадбиркорлик фаолияти тушунилиши мумкин. Бундай бизнеснинг асосини ягона бозор ташкил этади. Агробизнеснинг мақсади кишлок хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни тўлиқ қондириш орқали даромадларни кўпайтиришдир⁷.

Бизнингча, “Агробизнес кишлок хўжалигини зарур ресурслар билан таъминлаш асосида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этишни мувофиқлаштирувчи ўзига хос тизимдир” - деб таъриф бериш ўринли.

Шу ўринда “барқарор”, “барқарорлик”, “барқарор ривожланиш” тушунчаларига тўхталиб ўтиш жоиз. Ушбу тушунчалар бўйича олимлар ўртасида ягона фикрнинг мавжуд эмаслиги бу борада турлича ёндашувларни юзага келтиради. Бироқ, уларнинг асосида инсон манфаатлари ва турмуш даражасини яхшилашга қаратилган, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва экологик умумийлик мавжуд.

БМТ таърифига кўра, “Барқарор ривожланиш – ҳозирги авлоднинг шахсий эҳтиёжларини барқарор таъминлаш ва келажак авлод ривожланишига зиён етказмайдиган жамият ривожланиши” деб тавсифланса⁸, Жаҳон банки томонидан эса “Барқарор ривожланиш инсоният имкониятларини сақлаш ва уларни кўпайтириш мақсадида жамият ялпи капиталини бошқариш”⁹ деб таъриф берилган. Шунингдек, Россия Федерацияси қонунчилигида барқарор ривожланиш “ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳа, аҳоли ва табиий муҳитни ўзаро мутаносиб ривожланиши” тарзида талқин этилади¹⁰.

Жаҳон миқёсида 1989 йил Брунтленд Комиссияси маърузасида «барқарор ривожланиш – бу аҳолининг бугунги кундаги талабини қондириш билан, келажак авлоднинг эҳтиёжларини таъминлашни хавф остига қўймаслик» деб таърифланади¹¹. Мазкур таърифни Табиатни ҳимоя қилиш Халқаро Иттифоқи “барқарор ривожланиш аҳоли турмуш шароити сифатини яхшилаш ҳамда ер ресурсларидан экотизимга мос ва тўғри ҳолатларда фойдаланишга қаратилган бўлмоғи лозимлиги» билан тўлдиради¹².

Италиялик олимларнинг таъкидлашича: “Барқарор ривожланиш – бу келажакда авлодлар учун атроф-муҳит ва бепул товарларни муҳофаза қилиш билан мос келадиган иқтисодий ривожланиш шаклидир, бу ҳеч бўлмаганда қисман яшил иқтисодиёт деб аталадиган нарсаларга таяниб, барқарор иқтисодиётга ҳаёт бахш этишдир”¹³.

Нидерландиялик етакчи олимларнинг талқинига кўра, “Барқарор ривожланиш – бу келажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш қобилиятига таҳдид солмасдан, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ривожланишдир. Барқарорлик – бу ҳозирги ва келажакда фаровонликни келтириб чиқарадиган ресурсларнинг етишмаслигидир”¹⁴.

⁷ Лариса Южанинова. Агробизнес в России: финансы, программы и рост экспорта. – М.: 2019 год.

⁸ «Наше общее будущее» Доклад Всемирной комиссии ООН по проблемам окружающей среды, 1987 г.

⁹ Торгуя Землей: Всемирный Банк и Устойчивое Развитие. Доклад Всемирного Банка, август 2002 г.

¹⁰ Концепции перехода Российской Федерации к устойчивому развитию, Москва, 1996 г, апрель.

¹¹ Наше общее будущее. Доклад международной комиссии по окружающей среде и развитию. М., Прогресс, 1989 г.

¹² Стратегия устойчивого существования. Доклад Международный Союз охраны природы и природных ресурсов. 1991 г.

¹³ https://it.wikipedia.org/wiki/Sviluppo_sostenibile

¹⁴ https://nl.wikipedia.org/wiki/Duurzame_ontwikkeling

Хитойлик олимларнинг фикрига қараганда: “барқарор ривожланиш деганда нафақат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш шароитида одамларнинг эҳтиёжларини қондирадиган, балки келажак авлодлар эҳтиёжларига зарар етказмайдиган истиқболли ривожланиш модели тушунилади”¹⁵.

Рус олимлари томонидан чоп қилинган луғатларда “барқарорлик” тушунчасига қуйидагича таърифлар берилган:

1) турғун, бардошли, чидамли, пишиқ, мустаҳкам, қимирламайдиган, доим бир хил бўладиган, ўзгармайдиган, доимий, оғишмас, бузилмас каби маъноларни¹⁶;

2) турғунлик, бардошлилик, чидамлилик каби маъноларни англатади¹⁷.

Юқоридаги таъриф ва тушунчалар бугунги кунда амалиётда кенг қўлланилмоқда. Фикримизча, «барқарор ривожланиш» тушунчасига илмий ва амалий жиҳатдан ёндашишда унинг кўп қиррали, кенг қамровли эканлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда, экологик, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, технологик, минтақавий, тармоқлар даражаси ва бошқарув қирраларини ўзаро яхлитлиги нуқтаи назаридан талқин этилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Барқарор қишлоқ хўжалиги тирик организмлар ва уларнинг атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларини ўрганиш асосида бугунги кунда жамиятнинг озик-овқат ва саноат ишлаб чиқаришини хом-ашёга ҳамда келажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятидан маҳрум қилмасдан фаолият олиб боришидан иборат¹⁸.

Аграр тармоқни ривожлантиришда энг асосий вазифаларидан бири – фермер хўжаликларини барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш ҳисобланади. Инглиз тилидан олинган “Sustainable development” жумласидаги “Sustainable” сўзи “барқарор” маъноси билан бирга “доимий”, “узлуксиз”, “қўллаб-қувватлаш” деган мазмунга ҳам эга. Махсус луғатларда “Sustainable” узоқ муддатга сақланиб қолувчи ҳолат деб аниқланади.

“Sustainable development” терминининг умумқабул қилинганлиги қишлоқ хўжалиги амалиётида “Sustainable agriculture” терминини вужудга келишига сабаб бўлди. Қишлоқ хўжалигини юритишнинг янги йўналиши ҳисобланган фермер хўжаликларини барқарор ривожланишнинг зарурияти мавжуд жараёнларнинг таъсири билан боғлиқ бўлсада, ушбу тушунчанинг назарий мазмунини аниқлаш муҳим амалий аҳамиятга молик вазифалардан бири ҳисобланади.


Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши ва самарадорлигини ошириш, экологик бошқарув, адолатлилик, соғлиқни сақлаш, бизнес ва оилавий масалаларни қамраб оладиган узоқ муддатли методологик тизим ҳисобланади ҳамда иқтисодий фойда, атроф-муҳит муҳофазаси ва ижтимоий масъулият каби уч интеграл жиҳатлар билан белгиланади (1-расм).

¹⁵ <https://zh.wikipedia.org/wiki/%E5%8F%AF%E6%8C%81%E7%BB%AD%E5%8F%91%E5%B1%95>

¹⁶ Ожегов С.И. Словарь русского языка: Ок. 57000 слов / Под ред. Н.Ю. Шведовой. – 19-е изд., испр. – М.: Рус.яз., 1987. – 687 с.

¹⁷ Словарь русского языка: В 4-х т. / Институт рус.яз.; под ред. А.П.Евгеньевой. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: Т. 4. С-Я. 1984, - 525 с.

¹⁸ "What is sustainable agriculture | Agricultural Sustainability Institute". *asi.ucdavis.edu*. Retrieved 2019-01-20.



1-расм. Барқарор қишлоқ хўжалигининг уч асосий шарт¹⁹


Барқарорлик, муайян қишлоқ хўжалиги маҳсулоти эмас, балки умуман, фермер хўжалиklarининг бизнес жараёни ва амалий фаолиятига қаратилганлигидир. Бундан кўринадики, интеграл иқтисодий, экологик ва ижтимоий тамойиллар фермер хўжалигининг барқарор ривожланишидаги умумий таъсирини баҳолаш имконини беради. Анъанавий ёндашувдан фарқли ўлароқ, фойданинг маржинал қиймати ягона асосий омил ҳисобланади ва шу боис қишлоқ хўжалиги барқарорлиги ижтимоий ва атроф-муҳит омиллари билан ҳам боғлиқдир²⁰.

Ҳар қандай хўжалик юритиш шакли унинг яшовчанлиги билан бевосита боғлиқ бўлиб, афзаллиги иқтисодий самарадорлик даражаси билан ўлчанади. Бироқ, хўжалик юритиш шаклининг самарадорлик даражасини баҳолаш унинг фаолиятини ташкил этишга турли жиҳатлардан ёндашишни тақозо этиб, буни амалга ошириш нисбатан мураккаб жараён ҳисобланади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, фермер хўжалиklarини юритишга хос бўлган умумий тамойиллар ҳам мавжуд бўлиб, буларга: фермер хўжалигининг ташкил этилишидаги ихтиёрийлик, хўжалик бўйича ҳамкорлар билан ўзаро алоқа шакллари танлашдаги ихтиёрийлик, ерни мерос қолдириш ҳуқуқи билан умрбод эгаликка ёки ижарага бериш, ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик ҳуқуқи ва ишлаб чиқариш таркибини мустақил белгилаш, маҳсулотни сотиш ҳамда олинган даромадни ўзлаштириш ва тақсимлашдаги тўлиқ мустақиллик, давлат томонидан иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, хўжалик фаолияти натижаси учун тўлиқ иқтисодий жавобгарлик, ишончли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояларни киритиш мумкин. Ушбу келтирилган тамойиллар албатта фермер хўжалиklари фаолиятини барқарор давомийлигида муҳим аҳамият касб этади (2-расм).

¹⁹ Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда муаллиф ишланмаси

²⁰ Ontario Ministry of Agriculture, Food and Rural Affairs. (2016). Introduction to Sustainable Agriculture.



2-расм. Фермер хўжаликларини юритишдаги умумий тамойиллар²¹

Ушбу умумий тамойилларни эътиборга олган ҳолда, диссертацияда фермер хўжаликларининг иқтисодий барқарорлигини баҳолашнинг: ер майдонлари билан таъминланганлик ва улардан фойдаланиш, моддий-техника ресурслари билан (муайян турлари бўйича) таъминланганлик, ишчи кучи ресурслари сони ва улардан фойдаланиш, ишлаб чиқарилган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми, маҳсулотларнинг ҳосилдорлиги, ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархи, даромад ва рентабеллик даражаси кўрсаткичларидан иборат таснифланган тизими ҳамда уларни аниқлаш услуби ишлаб чиқилган.




3-расм. Фермер хўжаликлари иқтисодий барқарорлигини баҳолашнинг кўрсаткичлар тизими²²

²¹Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Фермер хўжаликлари фаолиятини баҳолашда юқорида келтирилган кўрсаткичлар тизимидан бошқа яна кўплаб кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бироқ, бу ўринда асосий мақсад мазкур хўжаликлар фаолияти самардорлигини шунчаки баҳолаш эмас, балки уларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун самарали йўл ва имкониятларини очиб беришдан иборат бўлиши лозим.

Диссертация ишининг **“Фермер хўжалиklarини барқарор ривожланишининг ҳозирги ҳолати, муаммолари ва уларнинг ечимлари”** деб номланган иккинчи бобида Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиklarининг ривожланиш тенденцияси ва барқарор иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги ҳолати, барқарор ривожланишга таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлили асосида барқарор ривожлантиришга салбий таъсир этаётган омиллар ва мавжуд имкониятларга баҳо берилган.

Ўзбекистонда фермер хўжалиklarининг ташкил этилиши босқичма-босқич ва изчиллик билан олиб борилди. Тадқиқотда, фермер хўжалиklarини ташкил этиш ва ривожланишини 5 босқичга бўлган ҳолда ўрганилган (4-расм).



4-расм. Ўзбекистонда фермер хўжалиklarининг ташкил этилиши ва ривожланиши босқичлари²³

²² Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда муаллиф ишланмаси

²³Тадқиқот натижасидан келиб чиққан ҳолда муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича муносиб ўрин эгаллаган фермер хўжаликларининг барқарор иқтисодий ривожланиши борасида ҳам кўплаб ишлар олиб борилган. Унга кўра мамлакатимизда фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилганлиги ҳамда муваффақиятли фаолият кўрсатаётганлигини алоҳида эътироф этиш мумкин.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республикаимизда “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонунга мувофиқ, деҳқон хўжалиги мустақил хўжалик субъекти, тадбиркорлик шаклларида биридир²⁴ дея эътироф этилади.

Қишлоқ хўжалиги барқарорлик (ёки бекарорлик) омили ва унинг макроиқтисодий ўсиш суръатларига таъсирини икки даврга бўлиб ўрганилади. Унга кўра, мамлакатдаги иқтисодий ислохотлар олдидан ва ундан кейин. Икки босқичли текшириш зарурати ишлаб чиқаришнинг ушбу икки усулига хос бўлган асосий иқтисодий қонунлар, яъни жамият аъзоларининг доимий ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш ва шахсни тўлиқ ривожланиши ўртасидаги асосий фарқи билан боғлиқ. Шу сабабли, қишлоқ хўжалигининг энг муҳим иқтисодий натижаларга таъсири ушбу икки тузилишга хос бўлган иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда, Наманган вилояти фермер хўжаликларининг энг муҳим иқтисодий натижаларга таъсири таҳлили бутун мамлакат учун амалга оширилса, маълумотлар ишончли бўлади. Ушбу ёндашув ҳал қилувчи иқтисодий кўрсаткичларга асосланиб, давлат фаолиятининг самарадорлигини тавсифлаш билан изоҳланади (5-расм).



5-расм. Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотда Наманган вилояти фермер хўжаликлари маҳсулоти ва тармоққа киритилган инвестициянинг улуши²⁵

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1992, № 10, 55-бет.

²⁵ Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда муаллиф ишланмаси

5-расмда келтирилган маълумотларга кўра, 2005-2019 йиллар оралиғида Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулот ҳажми ўртача 231070,7 млрд. сўмга ошиб, Статистика қўмитасининг маълумотиغا кўра, 511838,1 млрд. сўмга етди. Бунда Наманган вилояти фермер хўжаликлари иқтисодиётининг улуши 8,12 фоизга камайиб, ялпи ички маҳсулотдаги улуши 5,96 фоизга тенг бўлди. Аммо таъкидлаш жоизки, 2019 йилда Наманган вилояти фермер хўжаликлари томонидан 30,5 трлн. сўмга тенг бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу даврда Республика миқёсида 224,3 трлн. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 102,5 % ни, шу жумладан, деҳқончилик, чорвачилик ва овчилик соҳаларида кўрсатилган хизматлар – 217,2 трлн. сўмни (102,4 %), ўрмон хўжалиги – 5,7 трлн. сўмни (101,8 %), балиқ хўжалиги – 1,4 трлн. сўмни (127,0 %) ташкил қилди.

Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида фермер хўжалиқларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг аҳамиятини аниқлаш учун сўнгги 2005-2019 йилларда аҳоли бандлиги ва тармоқни ривожлантириш мақсадида асосий капиталга киритилган инвестициялар таъсирини ва уларнинг самарадорлиги қай даражада эканлигини ҳисоблаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилаётган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулот ҳажми – ҲҚХМга, тармоқда бандлар сони – ТБС ва асосий капиталга инвестицияларнинг – АКІ эконометрик моделини Eviews дастурида аниқлаш мумкин. Дастлаб танланган омилларнинг корреляцион боғланиш даражаси аниқлаб олинади. Унга кўра, фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилаётган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулот ҳажми – ҲҚХМ га танланган ҳар икки омил ($r_{ҲҚХМ,ТБС}=0,9023$) ва $r_{ҲҚХМ,АКІ}=0,979$) таъсири жуда зичликда боғланган ҳамда улар ўртасида $r_{ТА} \leq 0,8$ шартга биноан мультиколлениарлик мавжуд эмаслиги ($r_{ТБС,АКІ}=0,7409$) аниқланди.

Натижавий ва таъсир этувчи омиллар ўртасидаги регрессия тенгламасини аниқлаш ҳамда параметрларни t-Стъюдент мезони ва регрессия тенгламасини Фишер мезонлари асосида аҳамиятлилигини, Дарбин-Уотсон қийматлари асосида автокорреляция мавжуд ёки йўқлигини ҳамда яна бир қатор Akaike Schwarz ва Hannan-Quinn мезонлари бўйича аниқланган моделнинг адекват ва ишончлилигини текшириш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунинг учун биринчи навбатда, танланган омилларни кўрсаткичи турлича birlikда бўлганлиги боис ҳар бир омилларни логорифмлаб оламиз (1-жадвал).

1-жадвал

Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг регрессия тенгламаси ва уни баҳолаш жадвали²⁶

Dependent Variable: YFXM					
Method: Least Squares					
Date: 07/03/21 Time: 18:55					
Sample: 2005 2020					
Included observations: 16				$t_{\text{жад}}=2,160369$	
Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.	
LNTBS	-0.31291	0.175227	-1.78575	0.0279	
LNAKI	0.61487	0.061463	10.0039	0.0000	
C	6.538768	0.881538	7.417452	0.0000	
R-squared	0.899953	Mean dependent var		6.902941	
Adjusted R-squared	0.884562	S.D. dependent var		0.917721	
S.E. of regression	0.311807	Akaike info criterion		0.674495	
Sum squared resid	1.263906	Schwarz criterion		0.819355	
Log likelihood	-2.395960	Hannan-Quinn criter.		0.681913	
F-statistic	58.46973	Durbin-Watson stat		1.870443	
Prob(F-statistic)	0.000000	$F_{\text{жад}}=19,4189$			

1-жадвалда аниқланган маълумотларга асосан, $\alpha=0,05$ бўлганда $df=13$ да $t_{\text{жад}}=2,1604$ бўлгани учун параметрларнинг тармоқда бандлар сони – TBS ($t_{\text{TBS}}=-1,786$ $t_{\text{жад}} > t_{\text{хис}}$ шартга кўра, аҳамиятсизлиги келиб чиқади. Бундан эса, тенглама параметрларини $MAPE < 10$ ва $TIC < 1$ мезонларга кўра текшириш мақсадга мувофиқдир. Текширув натижаларига кўра, $MAPE=9,316 < 10$ ва $TIC=0,05 < 1$ шартга биноан параметрлар аҳамиятли. $\alpha=0,05$ бўйича $k_1=13$ ва $k_2=2$ да $F_{\text{жад}}=19,42$ га тенг $F_{\text{хис}}=58,47 > F_{\text{жад}}$ лигидан (2.1)-тенглама аҳамиятли ҳамда $DW=1,87 \leq 2$ бўлганлигидан адекват:

$$\ln YFXM = 0,61487 \ln AKI - 0,31 \ln TBS + 6,54 \quad (2.1)$$

тенглама аҳамиятли ҳамда ишончли ва адекват.

Албатта, логорифмик тенгламани ҳисоб-китоб аниқлиги ва ишончилигини таъминлаш учун (2.1)-регрессия тенгламасини потенцирлаб олиш мақсадга мувофиқ бўлиб, унга кўра, (2.1)-тенглама

$$YFXM = \frac{AKI^{0,61487} \cdot e^{6,54}}{TBS^{0,31291}} \quad (2.1^*)$$

кўринишга эга бўлади. Агар (2.1*) – тенгламани иқтисодий изоҳлайдиган бўлсак, тадқиқотлар шундан далолат берадики, ҳозирги кунда Наманган вилоятидаги фермер хўжаликларида ишчи кучига бўлган талабнинг тўйинганлигини эътиборга оладиган бўлсак, аниқланган моделга асосан,

²⁶Муаллиф ҳисоб-китоби

тармоқда бандлар сонини минг бирликка камайтирилса, фермер хўжаликлари даромади кўшимча 3,4 млрд. сўмга ошиши ва асосий капиталга инвестициялар ҳажмини 1 млрд. сўмга ошириш ҳисобидан фермер хўжаликлари ялпи маҳсулот ҳажмини кўшимча 5,9 млрд. сўмга ошиши аниқланди.

Энди юқори ҳосилдорликни сақлаш учун тупроқ унумдорлигини ошириш ва сувдан унумли фойдаланиш ҳамда экотизим хизматларини сақлаб қолиш учун барқарор интенсив фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш зарурлигидан²⁷ келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқилган ялпи фермер хўжалиги маҳсулотлари ҳажми – YFXM ни ўзгаришига мелиоратив ҳолати яхши(тоза) бўлган ер майдони – TEM, шўрланган ер майдони – ShEM, 150 та фермер хўжаликлари ҳисоботлари асосида аниқланган ер унумдорлиги – YerU ва сувдан фойдаланиш сарфи – Ss бўйича аниқланган қийматларнинг таъсирини аниқлаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Бунинг учун таҳлил жараёнини 2005-2019 йилларда динамик ўзгаришлардан фойдаланамиз ва дастлаб танланган омиллар билан натижавий омил ҳамда омиллар ўртасидаги ўзаро корреляцион боғланишини текшириб оламиз. Натижага кўра, натижавий омилга нисбатан танланган фермер хўжаликларининг тоза экин майдони ($r_{YT}=0,7444$), ер унумдорлигини ошириш ($r_{YU}=0,9236$) кучли зичликда тўғри ва шўрланган ер майдонига ($r_{YS}=-0,80214$), сувдан фойдаланиш сарфи ($r_{YS}=-0,92424$) тескари кучли зичликда боғланган. Шунингдек, танлаб олинган мелиоратив ҳолати яхши(тоза) бўлган ер майдони – TEM, шўрланган ер майдони – ShEM, ер унумдорлиги – YerU ва сувдан фойдаланиш сарфи – Ss ўртасидаги боғланишда мультиколлениарлик мавжуд эмас.

Унга кўра, қуйидаги регрессия тенгламасига эга бўламиз:

$$\ln YFXM = 5,4 \ln YerU - 1,41 \ln TEM - 0,04 \ln ShEM - 3,588541 \ln SS + 39,6 \quad (2.2)$$

Аниқланган (2.2)-регрессия тенгламасини потенциаллаб олсак, у қуйидагича (2.2*)-кўринишга эга бўлади:

$$YFXM = \frac{YerU^{1,65} * e^{39,6}}{TEM^{1,41} * ShEM^{0,04} * SS^{3,588541}} \quad (2.2^*)$$


Аниқланган (2.2*)-регрессия тенгламасини мезонлар асосида текшириш талаб этилади ва ушбу текширув натижаларини қуйидаги 2-жадвалдан кўришимиз мумкин.

27 "What is sustainable agriculture | Agricultural Sustainability Institute". *asi.ucdavis.edu*. Retrieved 2019-01-20.

(2.2)-регрессия тенгламасини мезонлар асосида текшириш²⁸

Dependent Variable: LNYFXM				
Method: Least Squares				
Date: 07/03/21 Time: 20:09				
Sample: 2005 2020				
Included observations: 16				
Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
LNTEM	3.039496	5.952271	0.510645	0.0197
LNSHEM	-0.748047	4.091959	-0.182809	0.0483
LNYSERU	2.956720	0.746207	3.962334	0.0022
LNSS	-5.84863	1.017824	-5.746209	0.0001
C	20.37703	50.16297	0.406217	0.0924
R-squared	0.983392	Mean dependent var	6.902935	
Adjusted R-squared	0.977353	S.D. dependent var	0.917709	
S.E. of regression	0.138105	Akaike info criterion	-0.871301	
Sum squared resid	0.209802	Schwarz criterion	-0.629868	
Log likelihood	11.97041	Hannan-Quinn criter.	-0.858938	
F-statistic	268.3741	Durbin-Watson stat	1.974882	
Prob(F-statistic)	0.000000			

Жадвал маълумотларига кўра, YерU параметридан бошқа барча параметрлар $\alpha=0,05$ бўлганда $df=11$ да $t_{жад}=2,201$ бўлганлигидан аҳамиятсизлиги келиб чиқади. Шу сабабли ушбу параметрлар аҳамиятлилигини $MAPE < 10$ ва $TIC < 1$ мезонларга кўра текшириш мақсадга мувофиқдир.

6-расм. Параметрларни аҳамиятлилигини текшириш²⁹

²⁸Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда муаллиф ҳисоб-китоби

²⁹Ҳисоб-китоб натижаларига кўра, муаллиф ишланмаси

Текшириш натижаларига кўра, $MAPE=0,73 < 10$ ва $TIC=0,0049 < 1$ бўлганлигидан параметрларни барчаси аҳамиятлилиги келиб чиқади. $\alpha=0,05$ бўйича $k_1=11$ ва $k_2=4$ да $F_{жад}=5,9358$ га ҳамда $F_{хис}=268,37$ га тенглигидан ва $DW=1,975 \leq 2$ бўлганлигидан


$$YFXM = \frac{TEM^{3,04} * YerU^{2,96} * e^{20,4}}{ShEM^{0,75} * SS^{5,84863}} \quad (2.2^*)$$

тенглама аҳамиятли ҳамда ишончли ва адекватлиги келиб чиқади. Ушбу (2.2*)-регрессия тенгламасига иқтисодий изоҳ берадиган бўлсак, ҳозирги кунда мазкур аниқланган модель бўйича тоза ер майдонини минг гектар ошириш ялпи фермер хўжаликлари маҳсулоти ҳажмини 88,3 млн. сўмга ошишига олиб келади. Шунингдек, агар ер унумдорлигини 1 га/центнерга оширилса, фермер хўжаликлари ялпи маҳсулот ҳажми кўшимча 224,7 млн. сўмга ошиши мумкин. Аниқланган модель натижаларидан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда фермер хўжаликларида сув сарфини ва шўрланган ер бўйича мелиоратив ҳолатини яхшилаш лозим бўлиб, мос равишда агар сув сарфи минг куб метрга камайтирилса, фермер хўжаликлари ялпи ҳосилини кўшимча 42,3 млн. сўмга, шўрланган ер майдонларини минг гектарга камайтиришга эришилса ялпи ҳосилни кўшимча 69,8 млн. сўмга ошириш мумкинлиги аниқланди.

Бундан (юқорида келтирилган (2.1*) эконометрик модель билан биргаликда олганда) тадқиқотда олинган натижаларга кўра, умумий хулоса қилиш мумкинки, тармоқда бандлар сонини, асосий капиталга инвестицияларни ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш ҳамда сув сарфини тежаш ва шўрланган ер майдонини камайтириш ҳисобидан фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини ошириш мумкин.

Албатта, ушбу аниқланган фермер хўжаликларини барқарор риожлантириш бўйича бажарилиши лозим бўлган вазифалар ва кўрсатмалардан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулотни ўз истеъмолчиларига етказиб бериш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида, фермер хўжаликларини иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини такомиллаштириш ва турдош фермер хўжаликлари билан алоқаларини мустаҳкамлашни тақозо этади.

Диссертация ишининг **“Фермер хўжаликларини барқарор иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишлари ва истиқболлари”** деб номланган учинчи бобида инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш орқали фермер хўжаликларини барқарор иқтисодий ривожлантириш истиқболларини белгилаш, бошқариш стратегиясини шакллантиришнинг асосий босқичларини аниқлаш, ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш истиқболлари тўғрисида баён этилган.



7-расм. Фермер хўжаликларида барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича такомиллаштирилган уч босқичли тизимли ёндашуви³⁰

Фермер хўжаликлари иқтисодиёти барқарор ривожланишининг асосий манбалари инсон салоҳияти ва иқтисодий ресурслар саналади. Барқарор ривожланишнинг стратегик мақсадларига эришиш жараёнида бирламчи ривожланиш манбасини сақлаб қолиш, иккинчи манбадан максимал даражада фойдаланиш ва учинчи манба ресурсларини инсон салоҳиятини ривожлантиришга йўналтириш императивига айланади.

7-расмда келтирилган маълумотларга кўра, фермер хўжаликларининг барқарор иқтисодий ривожланиши нафақат ер, сув, экологик омилларга балки, инсон омили, ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланиш (ернинг мелиоратив ҳолати, экин экиш, уларни парваришlash, маҳсулот ишлаб чиқариш ва бошқалар) ҳосилдорлик, сотишга тайёрлаш ва умуман олганда истеъмолчига етказиб беришни ўз ичига олади. Шундан келиб чиққан ҳолда бизнингча, фермер хўжаликларини барқарор иқтисодий

³⁰ Муаллиф ишланмаси

ривожлантириш ёндашуви бўйича фаолият юритиб, уни назоратга олиш мақсадга мувофиқдир.

Фермер хўжаликларини барқарор иқтисодий ривожлантириш ёндашувини 3 босқичда олиб бориш тавсия этилади:

1. Ҳосилдорлик босқичи: ерга ишлов бериш, уруғчилик масаласи, сувдан фойдаланиш, экинларни парваришлаш, заракунандаларга қарши курашиш ва ҳосилни йиғиш босқичларидан иборат.

2. Сотишга тайёрлаш босқичи: ҳосилни саралаш, ҳосилни сара ҳолда сотиш, ҳосилни қайта ишлаш, ҳосилни қуритиш, ҳосилни қадоқлаш босқичларидан иборат.

3. Етказиб бериш босқичи: омборларга етказиш, ҳосилни сақлаш, йўқотишларни камайтириш, истеъмолчиларга етказиш босқичларидан иборат бўлади. Юқоридаги босқичларни кетма-кетликда узвий боғлиқликда олиб борилиши, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилини етиштириш, ҳосилни йиғиштириб бўлингандан сўнг уни саралаш, қайта ишлаш, қуритиш ва қадоқлаш орқали омборларга етказиш ва сақлаш, ушбу жараёнда турли даражадаги йўқотишларни олдини олиш фермер хўжаликларини барқарор иқтисодий ривожланишига замин яратади.

